

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

қўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.722

УСМОНОВ ФАЗЛИТДИН ШАМИЛОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

(Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Р.О. Исматов

Наманган-2012

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1.	Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни	9
1.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари.....	16
1.3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	23
II- БОБ	НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	31
2.1.	Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини иқтисодий тахлили	31
2.2.	Наманган вилоятида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурининг бажарилиши тахлили	44
2.3.	Наманган вилоятида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	58
III-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	64
3.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда иивестицияларни жалб қилиш	64
3.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истикқболлари	68
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	73
	Фойдаланилган адабиётлар.....	79
	ИЛОВАЛАР	86

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

“...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман – 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади”¹.

¹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 31-бет.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Шу сабабли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини, уни такомиллаштиришни, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида иқтисодий минтақаларнинг иқтисодий ҳолатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланиш, уларни зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, улар ишлаб чиқариш жараёнини самарали олиб боришни ташкил этиш ушбу мавзунинг долзарб мавзу эканлигини ифода этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммоларига катта аҳамият берилган. Бу муаммони ўрганишга Л.Аллен, Р. Акофф, С.Л.Брю, Ж.Веттон, Э.Ж. Долан, П.Друкер, Д. Линдсей, К.Р. Макконелл, К.Ховард ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Ушбу масалалар МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари асарларида ҳам кенг таҳлил қилинган, жумладан Л.И.Абалкин, А.О.Блинов, Э.П.Горбунов, Б.Р.Ичитовкин, Н.П.Лшиналар тадқиқотларини ажратиб

кўрсатиш лозим. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари Ё. Абдуллаев, С.Э.Вохидова, Б.А.Эркаев, Н.М.Махмудов, В.М.Шепелев, Т.Эргашев, С.Ғуломов, М.Р. Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б. К. Ғойибназаров, А.Н. Самадов, Б. Ходиев, Р.Ходжаев, О. Арипов каби олимларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий ва услубий томонларини ёритишда ўз хиссаларини қўшишган.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд ҳамда иқтисодий модернизация жараёнида янги назарий ва амалий муаммолар вужудга келмоқда. Ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжудлиги Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга сабаб бўлди.

Магистрлик диссертациянинг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертацияси Наманган муҳандислик-педагогика институти “Менежмент ва иқтисодиёт” кафедрасининг “Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш” мавзуси билан боғлиқ. Магистрлик диссертацияси кафедранинг илмий тадқиқотлар режаси, республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва қоидалар ҳамда Наманган вилояти материаллари асосида, юқоридаги ишларга таянган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, унинг тузилмасини иқтисодий минтақа шароитларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқидшан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотнинг белгиланган мақсадларга эришишда қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб топилди:

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитларида кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмунини очиб бериш:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини очиб бериш:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кўриб чиқиш;

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини иқтисодий жihatдан таҳлил қилиш:

Наманган вилоятида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ивестицияларни жалб қилиш бўйича тавсиялар бериш:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва улар ўртасидаги муносабатлар олинган.

Тадқиқот предмети. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни вилоятда ривожлантириш муаммолари, уларни ривожланиш шакллари, омиллари ва иқтисодий ҳолатлари олинган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда мантикий ва қиёсий таҳлил, илмий абстракция, тизимли таҳлил монографик кузатиш, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш ҳамда график усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаштириш сиёсатига оид асарлари, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга бағишланган хорижий ҳамда

маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят Статистика бошқармаси, вилоят Савдо ва саноат палатаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Наманган вилояти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан очиқ берилган; кичик тадбиркорликнинг шаклланиш жараёни, унинг такомиллашуви ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар аниқланган ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлаш механизми белгиланган; кичик бизнес фаолиятини юритиш муҳитини минтақавий шаклланиш хусусиятлари аниқланган; Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган; вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, магистрлик диссертацияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг турли соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Кичик бизнесни бошқариш», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага

оид дастурий хужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар магистрантларнинг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истикболлар” илмий-амалий конференцияси (2011 йил, Наманган),

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 2 та ва оммавий ахборот воситаларида (Наманган ҳақиқати) илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг таркиби Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчаларини ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

У Англия саноатининг муваффақиятини “инглиз тадбиркорлари истеъдоди” таъминлаганлигини таъкидлаган эди. Ж.Б. Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А. Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. “Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш” (1776й.) китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган

эди. А.Смит фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қилади. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ. Шу боис А.Смит бизларни бозор тизимининг марказий механизми – рақобат механизми билан таништиради. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши, бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозордаги ҳар бир ҳаракат қилувчи субъект, рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

А.Смитнинг қайд қилишича, бозор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади.

XIX-XX асрлар чегараларида тадбиркорлик институтининг аҳамияти ва ролини кўпчилик англай бошлади. Француз иқтисодчиси Андре Маршалл (1907-1968 йй.) биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг учта омилига (ер, капитал, меҳнат) тўртинчи омил – ташкиллаштириш омилини қўшди. Шу вақтдан бошлаб тадбиркорлик тушунчаси ва шу соҳада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг “учлик формуласига” бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади:

- 1) капитал;
- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва ер;

3) тадбиркорлик фаолияти;

4) ишчининг меҳнати.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоида олади; ер рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди. Бошқача қилиб, Ж.Б.Кларк сўзи билан айтганда: “Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади”². Тадбиркорлик фаолиятини у ана шундай тушунган.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси”³ китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: “Функцияси янги комбинация-арни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаيمиз”. Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган (1974й) инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, “тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлашдир”.⁴ Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

На хорижда, на бизда ҳали тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф қилинган таърифи мавжуд эмас. Америкалик олим Р.Хизрич, “Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни

² Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40-бет

³ Й. Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.

⁴ Ф.Хайн. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журналы, 1989. 12-сон.

ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан каноатланувчи шахс”⁵, - деб таъкидлайди.

Инглиз профессори А.Хоскин эса “ишни ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади”⁶, - деб изоҳлайди.

Бугунги кунда тадбиркорлик назариясини ривожлантиришнинг тўртта босқичи мавжуд.

XVIII асрдаёқ вужудга келган биринчи босқич – тадбиркорлик хавф-хатарини ўзига олиш, бошқача қилиб айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг иккинчи босқичи эса инновация жараёни билан боғлиқдир.

Америкалик иқтисодчи олим Й. Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Тадбиркорлик назариясининг ривожланишидаги ҳозирги босқични тўртинчи босқичга киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлишини тадбиркор ҳаракатини таҳлил қилишдаги бошқарув аспектига кўчирилиши билан боғлайдилар. Бу ҳозирги вақтда назарияда тадбиркорлик муаммолари

⁵ Р. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.

⁶ А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23-бет.

таҳлили кўплаб ўзаро боғлиқ фанлар доирасида олиб борилишини билдиради.

Ҳозирги замон назарий тадқиқотларида нафақат тадбиркорликка ишларни мустақил олиб бориш усули сифатида, балки фирма ичидаги тадбиркорликка ёки интрапренерликка эътибор қаратилади. “Интра-пренер” атамаси амалиётга америкалик олим Г.Пиншо томонидан киритилган.

Интрапренерликнинг пайдо бўлиши кўпгина йирик ишлаб чиқариш тузилмалари, уларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тадбиркорлик шаклига ўтиши билан боғлиқ. Тадбиркорлик иши ижод эркинлигининг мавжуд бўлишини кўзда тутганлиги сабабли яхлит ишлаб чиқариш бирикмаларининг бўлинмалари ҳаракат қилиш эркинлигини оладилар, бу тадбиркорликнинг асосида ётувчи ғояларни амалга ошириш учун зарур бўлган интракапиталнинг мавжудлигини назарда тутди.

Таниқли олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп қирралидир. Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради;
- тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари кидиради;
- бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишади;

- кичик корхонанинг пировард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки зарари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади;

- кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки яқиний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

Тадбиркорлик иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг бошланғич босқичи, одатда, фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шаклни олади.

Тадбиркорлик янгилик киритиш, товар ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартириш ёки корхонани (шу жумладан, кичик корхонани) ташкил қилиш соҳасида ижодкорликнинг мавжудлиги билан таърифланади.

Тадбиркорнинг ўзи тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти бўлади. Аммо тадбиркор ягона субъект эмас, ҳар қандай ҳолда у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси ҳамда ҳар хил вазиятларда ёрдамчи ёки рақиб сифатида бўлувчи давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Истеъмолчи ҳам, давлат, ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига кирадилар.

Тадбиркор ва истеъмолчининг ўзаро муносабатларида тадбиркор фаол субъект категориясига киради. Истеъмолчи эса бунда пассив рол ўйнайди. Бу ўзаро муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролини бажаради. Тадбиркор фаолияти предметини ташкил қилувчи барча нарса истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчи томонидан товарга баҳо берилади ва кейин у ёки бу товарни ҳарид қилишга тайёрлиги аниқланади. Тадбиркор ўз фаолиятини режалаштириш

ва ташкил қилишда истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши кераклигини билдирмайди. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги истеъмол эҳтиёжларини яратиши (агар харидор учун зарур бўлган янги товар яратилса) мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг икки усулини келтириш мумкин:

- истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули;
- истеъмолчига янги товар ёки хизматларни «мажбуран қабул қилдириш» усули.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий мақсади – ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Хулоса шундан иборатки, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект ролида бўлса, унда тадбиркорлик

жараёнининг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуктаи назаридан истеъмолича фаол рол ўйнайди ва тадбиркор бу омилни инкор эта олмайди.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистонда кенг қўламли бозор ўзгаришларини амалга ошириш жараёнида мулкдор шахслар доираси кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “... амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий, энг катта мақсади, устувор йўналиши Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг қабул қилган барча фармону қарорларимиз, қонунларимиз, ҳамма ишимиз ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал етмасдан кутилган натижага, ҳаётимизда, иқтисодиётимизда исталган ўзгаришларга эришиб бўлмайди”⁷. Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичидаги ғоят муҳим вазифа, энг аввало, ишлаб чиқариш соҳасидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва улар негизида вужудга келаётган тадбиркорлик тузилмаларини аниқ мақсад билан қўллаб-қувватлаш орқали мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Жамиятимиз учун янги бўлган мана шу ижтимоий турни, унинг фаолият соҳалари шаклларини ўрганишни назария эҳтиёжларигина эмас, балки амалий зарурият ҳам шарт қилиб қўймоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Ўрта синф давлатнинг асоси ва жамиятнинг энг барқарор қисмидир. Бу синфни вужудга келтириш вазифасини ҳал қилиш,

⁷ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 йил 5-том, 335-бет.

турмуш даражасини ошириш ва ҳар бир инсоннинг тадбиркорлик имкониятларини очиш муаммосини ҳал қилиб беради.

Ушбу масаланинг иқтисодий жиҳати шундан иборатки, мулкдорлар реал, уларнинг фаолияти эса самарали бўлиши керак. Умуман олганда, корхонанинг барча ишловчиларини расман акциядорларга айлантириш унча қийин эмас. Лекин улар ҳақиқатда бошқарувда қатнашмасалар, дивидендлар ололмасалар ва ҳатто, ўз акцияларини корхонадан ташқарига сота олмасалар, уларни реал мулкдорлар деб бўлмайди. Аҳоли мана шундай вазиятни кўрар экан, бундай корхонанинг акцияларини эркин бозордан ҳам сотиб олмайди, чунки корхона билан бевосита боғланган одамлар унинг ишига таъсир кўрсата олмасалар ва қонунга мувофиқ ўзларига тегишли даромадни ололмасалар, бу иш ташқаридаги майда инвесторлар учун янада мушкул кечади. Хулоса аниқ: мулкдорлар ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмлари бўлмоғи керак. Бусиз мулк номигагина мавжуд бўлади. Бу мол-мулкнинг эса эгаси бўлмайди. Бундай вазият иқтисодиёт учун ҳам жуда хавфлидир. Чунки бу ҳозирги пайтда мол-мулкдан амалда фойдаланиб турган ёки ҳатто, ундан фойдаланиш имкониятига эга кишиларнинг қонунсиз равишда бойиши учун кенг имконият яратиб беради.

Ҳақиқий мулкдор ўз табиатига кўра оқилона иш олиб бориши ва ўзига қарашли мулкни кўпайтиришга ҳаракат қилиши керак. Борди-ю, шундай бўлмаса, демак, мол-мулкни тасарруф қилувчи субъект ё ўзини мулкдор деб ҳисобламайди, ёки ўзининг ҳуқуқларини зарур кафолатларга эга эмас деб ҳисоблайди, ёки мол-мулк янги эгасига сақлаш ва кўпайтириш тамойилларига мутлақо ёрдам бермайдиган шартлар билан теккан бўлади. Шу сабабли, мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган бўлибгина қолмасдан, у жамиятдаги барча муносабатлар тизими билан амалда таъминланган бўлиши керак. Фаолияти ўзига қарашли мулкни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ана шу асосда

янги моддий бойликлар яратишга қаратилган шахсларни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Мулкдорлар синфи мавжуд мол-мулк ва даромадлар асосида, шу жумладан:

- жамғармаларни қимматли қоғзларга солиш, шунингдек, хусусий шахсларга қарашли кўчмас мулкдан ва бошқа мол-мулклардан фойдаланиш йўли билан;

- давлатга қарашли мол-мулкни (аукционларда ва танлов асосида), шунингдек хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида;

- юридик шахс ташкил етмаган ҳолда ва корхоналар очмаган ҳолда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали шакллантирилади.

Мулкдорлар ихтиёридаги барча объектларни даромад олиш мақсадида фойдаланилмайдиган объектларга ва ишлаб чиқариш ресурсларига ажратиш мумкин.

Улар жумласига қуйидагилар киради:

- меҳнат;

- ер;

- сармоя;

- а) моддий активлар,

- б) молиявий активлар, шу жумладан: пул маблағлари; қимматли қоғозлар;

- в) номоддий активлар – интеллектуал мулк объектлари.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан даромад олиш ва мулкни кўпайтириш учун фойдаланилади. Бирон бир мол-мулкка эга шахс мулкдордир.

Мулкдор – моддий ва интеллектуал мулк объектларига эга бўлган, уларни тасарруф этиш ва улардан ўз хоҳишига қаратиб, шу

жумладан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга жисмоний шахсдир.

Мулкдорлар синфи уч гуруҳдан иборат:

- даромад келтирмайдиган ва шахсий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган мол-мулкка эга мулкдорлар;
- шахсий истеъмолга мўлжалланган мол-мулк билан бир каторда, қўшимча тадбиркорлик даромади ёки киритилган сармоядан даромад олиш учун фойдаланиладиган активлар (сармоя)га эга ўрта мулкдорлар;
- йирик хусусий корхоналар, фирмаларга эга ва уларнинг фаолиятидан катта даромад оладиган йирик мулкдорлар.

Ушбу гуруҳларнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Биринчи навбатда, психологик хусусиятлар таъсир кўрсатади. Одамни зўрлаб мулкдорга айлантириб бўлмайди. У бунга руҳан тайёр бўлиши керак. Бу эса жуда қийин нарса. Чунки одамларга хаддан ташқари узоқ вақт мобайнида хусусий мулкни ва унинг соҳибларини бошқаларга қараганда ташаббускорроқ ва тадбиркорроқ бўлганлиги туфайли моддий жиҳатдан яхшироқ яшаганларни ёмон кўриш ва уларга ишонмаслик хисси сингдириб келинди. Энди эса замон ўзгарди, хусусий мулкка бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда, лекин эски тасаввурлар ҳали ҳам мавжуд. Кўпчилик давлатнинг ғамхўрлик қилишига умид боғлаб ўтирмасдан, ўз фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ҳали тайёр эмас. Ижтимоий пассивлик мулкдорлар синфини шакллантириш йўлидаги жиддий тўсиқдир.

Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўлларида бири – бу тадбиркорликни, унинг кичик бизнес шакли ривожини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Акциялаштириш кенг аҳоли оммасини мулкка эгалик қилишга жалб этишнинг энг самарали воситасидир. Бироқ, бу жараён мураккаб, кўп қиррали бўлиб, у бозор иқтисодиёти

субъектларининг манфаатларига дахлдордир. Ҳозир республика иқтисодиётида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари жуда кенг ёйилган.

Бу жамиятларнинг устав сармоясини ташкил қилишда иштирок этувчи улушлар, одатда, қуйидагича тақсимланади:

- давлат улуши;
- меҳнат жамоаси улуши;
- хорижий шерик улуши;
- фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозорларида, шу

жумладан, чет элда ҳам эркин сотиш учун ажратилган улуши.

Давлат ва меҳнат жамоаларига қарашли акциялар пакетлари ҳажмини Давлат мулк қўмитаси белгилайди. Фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан сотиб олинган ёки бепул олинган ҳар қандай акциялар уларнинг мулкдорлари томонидан қонун доирасида ҳеч бир чекловсиз сотилиши мумкин. Акиияларнинг қўшимча (иккиламчи) эмиссияси ва уларни жойлаштириш акциядорлик жамияти томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ олиб борилади.

Корхонани хусусийлаштиришнинг яна бир шакли уни танлов асосида ёки аукционда жисмоний ёки юридик шахсларга хусусий мулк қилиб сотишдан иборат. Бунда ҳаридор сотиб олинган объектларга нисбатан маълум талабларни бажаради. Танлов шартлари Ўзбекистон Республикаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги тартибларига мувофиқ белгиланади ва у қуйидаги мажбурий бандларга эга бўлади:

- аукционда хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг мулкдорларига айланган жисмоний ва юридик шахсларга ушбу корхоналар тасарруфида бўлган, сотиб олинган мол-мулк таркибига кирмаган, турар жой бўлмаган давлатга қарашли биноларни, иншоотларни, қурилишларни ижарага олиш ҳақида узоқ муддатли (10 йилгача) шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади. Ижара шартларини

илгари тузилган шартномаларга нисбатан ўзгартиришга (агар шартноманинг ўзида бошқача тартиб белги-ланган бўлмаса) фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ йўл қўйилади. Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг мулкдорлари шу корхоналар эгаллаб турган ер участкаларини мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар;

- корхоналар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, тугатилаётган ва тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларида аукцион савдода Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ сотилади;

- давлатга қарашли ишлаб турган корхона ташкилотларнинг мол-мулки (активлари) фақат Давлат мулк қўмитаси рухсати билан ва белгиланган тартибда сотилади.

Республикада мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш аста-секин, биридан иккинчисига ўтиладиган уч босқичда амалга оширилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида ижара корхоналари, кичик, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, кўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, кооперативлар ва деҳқон хўжаликлари каби ташкилий-ҳуқуқий шакллари ташкил топди.

Эришилган натижалар билан бирга, жиддий ёндашиш ва тез ҳал этишни талаб қиладиган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд:

- биринчидан, хусусийлаштиришни амалга оширишнинг паст суръатлари унинг самарадорлигини камайтирмоқда. Жаҳон амалиёти ислоҳотлар бир вақтда ва мунтазам амалга оширилганида ижобий самара беришини кўрсатмоқда. Хусусийлаштириш сустлашса, одам-ларнинг мос равишда фикр юритиш жараёни секинлашади, иқтисодий хулқ-атворнинг эски стереотиплари узоқроқ сақланиб туради;

- иккинчидан, бир тармоқ. (ёки соҳа)да хусусийлаштириш амалга оширилиб, у билан боғлиқ бўлган бошқа соҳада давлат мулки ёки унинг

монополияси сақланиб қолиши хусусийлаштирилган корхоналарнинг манфаатларини камситади. Бу ҳол, энг аввало, турли тармоқлардаги нархларнинг паритети бузилишида намоён бўлади. Масалан, аграр секторда нисбатан тез амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қишлоқ хўжалиги манфаатларига зарар келтиради. Чунки, қишлоқ хўжалигига техника, ўғитлар, электр энергияси, ёқилғи етказиб берувчи корхоналар анча кеч хусусийлаштирилди ва улар монополистлар (ёки олигополистлар) мавқеини сақлаб қолиб, ўз маҳсулотлари нархини оширдилар. Бунинг натижасида аграр сектор катта-катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келди;

- учинчидан, хусусийлаштиришнинг пулли бўлиши хусусийлаштирилаётган объектлар бозорига муносиб баҳоланишини тақозо этади. Бироқ мол-мулкни баҳоланишнинг илмий усуллари ва ислохотларнинг дастлабки босқичида тегишли мутахассисларнинг бўлмаганлиги кўпдан-кўп тартиббузарликларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида, мулк тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган ва шуғуллана оладиган одамлар кўлига эмас, балки тасодикий одамлар кўлига ўтиб қолади.

Умуман олганда, келтирилган муаммолар мураккаб бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай вазият вужудга келди. Ҳозирги вақтда жамиятимиз таркибида реал мулкка эга бўлган, уни қадрлаётган ва уларни ўз моддий фаровонликлари учун асос қилиб олаётган кишиларнинг катта гуруҳи шаклланди. Ушбу ижтимоий қатламни янада мустаҳкамлаш давлатнинг иқтисодий қудрати ошишига, унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминланишига, демократик қадриятлар қарор топишига олиб келади.

1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта куриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

“...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман – 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки,

кўп нарсани англатади”⁸ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди (1.3.1-расм).

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови

⁸ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.


“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир”⁹



1.3.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда (1.3.2-расм).


⁹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.



1.3.2-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

1.3.2-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун



1.1.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.

2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди (1.3.3-расм).

1.3.3-расмдаги маълумотлардан кўринадик, 2001-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;

халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилади ва соддалаштирилади. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта

муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилади;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилади;

учинчидан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади;

тўртинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади;

бешинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади;

олтинчидан, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилади;

еттинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

II-БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини иқтисодий тахлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфни, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.”¹⁰ деб таъкидлайдилар.

Кичик бизнес ўзининг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги билан бозор талабларига, истъемол талабларига тезлик билан мослаша олишлари уларни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадларини ўсиб боришини таъминлайди.

Наманган вилоятида ҳам бошқа вилоятлардаги сингари иқтисодий тараққиётида нодавлат ишлаб чиқариш субъектларининг роли ошиб бормокда. Кейинги 2002-2010 йиллар ичида юридик мақомидаги хўжалик юритувчи субъектлар сони 54,8 фоизга кўпайиб 31325 тани ташкил этган. Шулардан 87,9 фоизи кичик бизнес хўжаликлари ташкил этган. Кичик бизнес ҳуқуқий субъектларининг 11,5 фоизи кичик корхоналар ва 88,5 фоизи микрофирмалар ташкил этган. 2010 йилда ҳуқуқий мақомдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 91,5 фоизи фаолият олиб борган.

Руйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигига 51,2 фоизи, савдо ва умумий овқатланишга 14,5 фоизи, саноатга 7,4 фоизи, қурилишга 4,6 фоизи тўғри келган.


Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган юридик мақомида хўжалик юритувчи субъектлар таркиби қуйидаги 2.1.1-жадвалда келтирилган.

¹⁰ Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 2011 й. 21 январь.

Юридик мақомидаги хўжаликларнинг сони ва таркиби ¹¹

№	Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йил 2002 йилга нисбатан % ҳисобида
1.	Хуқуқий шахслар жами:	15627	17057	18289	18709	16381	25330	29340	29920	31325	104,7
2.	Шу жумладан: кичик бизнес	12860	15388	16582	16101	13918	24874	26139	26548	27525	103,7
3.	Шу жумладан: кичик корхона	976	1725	2131	2131	1010	2077	2929	3414	3158	92,5
4.	Микрофирма	11884	13663	14451	1133	14968	22797	23210	23134	24367	105,3

Вилоят туманлари бўйича кичик бизнес жойлашуви таҳлили шуни кўрсатадики, энг кўпи Наманган шаҳрида 5126 та энг ками эса Норин туманида 1038 тани ташкил этган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, туманлар бўйича ҳуқуқий мақомга эга бўлган корхоналарнинг жойлашуви турли даражада. Бунинг асосий сабаби кичик тадбиркорлик субъектларини ривожланишини туманларда табиий ва маҳаллий ресурслар билан таъминлани шини эътиборга олмаслик ҳисобланади.



2.1.1.-рам. Юридик мақомидаги хўжаликларнинг сони ва таркибининг ўзгариш динамикаси

Кичик тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланаётган корхоналарнинг асосий қисми 2010 йилда саноат тармоғида 15,0 фоизни, қишлоқ хўжалигида 19,8 фоизни, қурилишда 5,0 фоизни, савдода 39,2

¹¹ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

фоизни, транспорт ва алоқа тармоғида 3,0 фоизни ташкил этган. Қолган 18,0 фоизи ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия, таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келган.

Иқтисодий ривожланиши талаб ва таклиф қонунига риоя қилган ҳолда мулк турларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўзаро иқтисодий жиҳатдан уйғунлаштириш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантириш тизимини шакллантиришда бизнинг фикримизча кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор бериш зарур.

Вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг роли ҳам катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолият давлат томонидан белгиланган қонунлар ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар доирасида бўлиши керак.

Кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожланиши тадбиркорлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларини бажаришлари ҳам ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятга эга. Аммо вилоятда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналари ҳар доим ҳам ўз фаолиятларини мувоффақиятли бажара олмаяптилар.

Транспорт ва алоқа тизимида кичик тадбиркорлик субъектларининг салмоғининг камчилигини асосий сабаблари бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

-вилоят туманларида шахсий транспортлар билан аҳолини таъминланишини талабга жавоб бермаслигидадир. Оқибатда транспорт ва алоқа хизматлари туманлар бўйича табақаланишига олиб келган. Транспорт ва алоқа хизматлари соҳасида кичик тадбиркорликнинг энг кам хиссаси Чортоқ туманига (75 фоиз) га тўғри келган бўлса, энг юқори кўрсаткич бу соҳа бўйича Косонсой туманига (95,3 фоиз) тўғри келган;

-транспорт ва алоқа хизматларини талабга нисбатан кам даражада туманларда ривожланиши банклар томонидан шахсий транспортларни олиш учун кредит олишнинг мураккаблиги ва кредит фоизининг юқорилиги;

-транспорт хизматлари учун зарур бўлган моддий – техника таъминоти даражасини етарли даражада қаноатлантирмаслиги ва автосервис хизматлари даражасининг пастлиги;

-транспорт хизматларини амалга ошираётган кичик тадбиркорлар манфаатларини солиқ ундирувчи, санитар, йўл қоидаларини назорат қилувчи ва бошқа йўналишда хизмат кўрсатувчи субъектлари қонунларга нисбатан ҳилоф ҳаракатларнинг мавжудлигидан иборатдир.

Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ишлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси талабга жавоб бермайди.

Иқтисодиётни ривожланиши талаб ва таклиф қонунига риоя қилган ҳолда мулк турларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўзаро иқтисодий жиҳатдан уйғунлаштириш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантириш тизимини шакллантиришда бизнинг фикримизча кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор бериш зарур.

Вилоятда кейинги йиллар ичида рўйхатга олинган ҳуқуқий кичик тадбиркорлик субъектлари 5,2 фоизга кўпайган бўлса, шу давр ичида ишга тушурилган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳуқуқий субъектлар сони 4,2 фоизга камайган. Қуйида Наманган вилояти бўйича ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектларини тармоқлар бўйича ривожланиши келтирилган. Жадвалда (2.2-жадвал) келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки ҳамма соҳаларда ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини умумий тармоқлар ишлаб

чиқаришидаги ҳиссалари ўсиб бормоқда. Лекин таҳлил қилинаётган давр ичида ҳуқуқий мақомга эга бўлган кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш субъектларининг тармоқлар бўйича салмоқларини ўзгаришларини кўриш мумкин. Шу давр ичида вилоятда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатаётган субъектларнинг ялпи ички маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги салмоғи саноат тармоқларида 10,3 фоизга қишлоқ хўжалигида 26,1 фоизга, қурилишда 31,0 фоизга, савдода 9,9 фоизга, пуллик хизматлари миқдори эса 7,3 фоизга ўсган.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини субъектларни ривожланиб бориши улар ўртасида арзон ишлаб чиқариш воситаларига, хом-ашёларга, ишчи кучларига ва истеъмол бозорига бўлган эркин рақобатни кучайтиради ва у оқибатда маҳсулот бирлигига сарф этилаётган ишлаб чиқариш харажатларини камайишига олиб келади.


Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқариш жараёнини ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозлашга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сифатини оширишга даъват этади.

2.2.2-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик тадбиркорлик салмоғи фоиз ҳисобида.¹²

Тармоқлар	Йиллар								
	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Саноат	13,0	14,9	17,9	13,9	15,4	20,5	23,3	24,5	33,9
Қишлоқ хўжалиги	72,4	74,2	77,3	76,4	79,9	97,6	98,5	99,1	99,0
Қурилиш	48,2	54,7	59,4	69,9	74,3	69,8	79,2	79,2	85,5
Савдо	38,5	39,6	38,9	36,7	44,2	47,3	48,4	49,5	50,4
Пуллик хизмат	62,2	61,1	64,1	60,7	62,2	28,4	69,5	71,2	63,9

¹² Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



2.1.2.-расм. Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоклари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик тадбиркорлик салмоғининг динамикаси

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектлари йилдан йилга ҳар 1000 киши ҳисобига ҳам ўсиб бормоқда. Агарда 2002 йилда ҳар минг киши ҳисобига 5,9 та кичик тадбиркорлик субъектлари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 12 тани ташкил этди. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш коэффиценти кейинги икки йил ичида 8,8 фоиздан 10,6 фоизга кўпайди. Аммо кичик бизнес корхоналарини тугатиш коэффиценти эса шу давр ичида 84 фоизни ташкил этган.

Умуман иқтисодий таҳлил қилинаётган давр ичида вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги билан шуғулланаётган субъектларнинг сонини ва уларнинг вилоят бўйича ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги ҳиссаларини ўсиб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бу шаклларда ташкил этилиши ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бозор муносабатлари шароитида қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

-бозор муносабатлари шароитида хусусий мулк негизида тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, ҳар бир тадбиркорни фойда олиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишга даъват этади;

-кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини юқори фойда олишга интилиши бу субъектлар ўртасида эркин рақобатга асосланиши ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатини оширишга ва таннархини арзонлаштиришга олиб келади.

Вилоятда иқтисодиётни барқарор ривожланиши унинг таркибий тузулишига боғлиқдир. Вилоят иқтисодиётини ташкил қилиниши авваламбор вилоят аҳолисини эҳтиёжларини қаноатлантиришдан келиб чиқиши зарур. Вилоят иқтисодиёда ишлаб чиқариш тармоқларини таркибий жиҳатдан такомиллаштириб бориш вилоятнинг хом-ашё захираларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур.

Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлган меҳнатга яроқли ишлаб чиқариш ходимлари сони қуйидаги 2.3-жадвалида келтирилган.


Вилоятда таҳлил этилаётган даврда банд бўлганлар 3,3 фоизга кўпайган. Шулардан кичик тадбиркорликда банд бўлганлар 3,8 фоизга ортган. Ундан микрофирмаларда банд бўлганлар деярли 8,2 фоизга кўпайган.

2.2.3-жадвал

Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар сони минг киши ҳисобида¹³

Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 й. 2009 й.га нисбатан %
Жами банд бўлганлар	623,0	634,4	652,6	680,1	692,7	7387	763,2	788,9	815,3	103,3
Кичик тадбиркорликда	321,9	337,2	368,2	400,1	452,5	541,3	583,5	615,7	639,1	103,8
Фуқароларнинг хусусий мулки ундан	200,3	244,5	281,3	315,8	369	278,9	326,4	328,3	532,0	162,0
Кичик корхоналарда	16,3	18,0	16,8	18,2	24,0	52,3	67,0	66,4	63,3	95,3
Микрофирмаларда	34,8	39,1	55,9	54,2	66,8	81,3	86,1	58,2	63,0	108,2
Якка тадбиркорликда	149,2	187,4	208,6	243,4	278,2	407,7	430,4	434,5	405,7	93,4

¹³ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



2.1.3.-расм. Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар сонининг ўсиш суръати минг киши ҳисобида

Вилоятда таҳлил этилаётган даврда банд бўлганлар 3,3 фоизга кўпайган. Шулардан кичик тадбиркорликда банд бўлганлар 3,8 фоизга ортган. Ундан микрофирмаларда банд бўлганлар деярли 8,2 фоизга кўпайган.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойлари билан таъминлаш асосан кичик тадбиркорлик субъектларини сонларини ошиши билан ва уларда ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириб бориши билан боғлиқдир.

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларини ривожланиб бориши ишчи кучларини бандлик даражасини ошириб боришни асоси эканлиги кўриниб турибди.

Вилоятда ўтказилган таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики 2002-2009 йилларда ўртача умумий жаъми банд бўлганларнинг 47,5 фоизи

кичик тадбиркорлик фаолиятига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 78,4 фоизни ташкил этган.

Вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланишини самарадорлиги: биринчидан, истеъмол бозорларини зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлари билан таъминлашга ва бозорнинг истеъмол даражасига боғлиқ ифодаланади;

Иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган хом ашё ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш даражасига боғлиқ;

Учинчидан, кичик тадбиркорликни ишлаб чиқариш жараёнларини қайси йўналишларини ривожлантириш зарур эканлигини аниқлашга;

Тўртинчидан, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлиги оширишда уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ўсиб боришига боғлиқдир.

Наманган вилоятида ишлаб чиқариш субъектлари томонидан ялпи, оралиқ ва қўшимча маҳсулот қиймати таҳлил этилаётган даврда ўсган. Жумладан, 2002-2010 йиллар ичида ялпи маҳсулот қиймати 674437,5 млн. сўмдан 4290105,2 млн. сўмни ёки 6,4 баробарга, оралиқ маҳсулотлари қиймати 320469,8 млн. сўмдан 1863484,4 млн. сўмга ёки 5,8 баробарга, қўшимча қиймат маҳсулотлари эса 353967,7 млн. сўмдан 2426620,8 млн. сўмга ёки 6,9 баробарга кўпайган.

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари берилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича кичик корхоналар субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 53,1 фоизга, микрофирмалар бўйича эса 67,2 фоизга кўпайган. Вилоятнинг айрим туманларида жойлашган микрофирмалар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини секин ўсишининг асосий сабаби микрофирмалар ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёлар билан ўзларини таъминлай олмасликлари ишлаб чиқариш воситаларини

такомиллаштиришда бўлган молиявий қийинчиликлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг сифатлари жиҳатидан харидоргир бўлмасликларидан иборатдир.

Вилоят бўйича 2010 йил кичик тадбиркорликнинг (бизнес) улуши 76,0 фоизни, жумладан кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 36,3 фоизни, деҳқон хўжаликларида 50,6 фоизни, якка тадбиркорликда эса 24,3 фоизни ташкил этади.

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт ҳажмларининг ўсиши қуйидаги (2.1.4-жадвал)да келтирилган.

2.1.4-жадвал

Наманган вилояти минтақаларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши, млн.сўм ҳисобида¹

Туманлар	2004 йил				2010 йил			
	жами	Шу жумладан кичик тадбиркорлик	шундан		жами	Шу жумладан кичик тадбиркорлик ан	Шундан	
			Кичик корхоналар	Микрофирмалар			Кичик корхоналар	Микрофирмалар
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Мингбулоқ	7747,3	338,3	-	58,3	24751,4	2571,0	116,2	473,1
Косонсой	6027,2	453,4	222,7	730,7	25172,1	14708,0	7511,0	3351,2
Наманган	11437,0	3607,2	1657,5	1949,7	49650,7	27091,1	19202,2	4942,3
Норин	6052,9	1911,9	1110,2	801,7	23936,8	5280,4	2336,3	629,2
Поп	3333,8	2099,9	278,1	1828,1	52029,6	4597,4	336,8	519,0
Турақўрғон					41502,1	14421,9	8681,7	2719,2
Уйчи					45195,5	16828,4	5336,2	7972,1
Учқўрғон					104844,6	12921,2	2969,8	6955,4
Чортоқ					11273,4	9032,9	3240,4	694,5
Чуст					32478,3	11553,7	7105,2	1131,1
Янгиқўрғон					12845,6	6107,9	1416,7	610,1
Наманаган шаҳар					324991,3	122756,2	37248,8	19120,1
Жами:					748671,4	247870,0	95501,3	49117,2

¹ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Наманган вилоят бюджетига 2008 йилда 30075,2 млн. сўм, 2009 йилда 58588,7млн. сўм 2010 йилда эса, 68756,5млн. сўм дотация ажратилди. Аммо шу давр ичида кичик тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар орқали минтақаларга берилган дотацияларни умумий бюджет харажатидаги улуши 38,5 фоиздан 29,5 фоизга камайган бўлса унинг абсолют миқдори шу давр ичида 10167.8 млн. сўмга кўпайган.

Наманган вилояти туманлари ва Наманган шаҳридаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб борилган ташқи иқтисодий фаолиятлари шуни кўрсатадики уларнинг экспорт иқтисодий фаолиятлари импорт йўналишидаги фаолиятларига нисбатан устун даражага эга.

Айниқса экспорт йўналишидаги иқтисодий фаолият вилоятнинг Наманган, Поп, Чортоқ, Чуст туманларида ва Наманган шаҳри бўйича ижобий сальдога эга.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида экспорт йўналишида фойдаланилмаган захиралар етарли даражада. Айрим, Мингбулоқ, Норин, Поп, Тўрақўрғон Учқўрғон, Янгиқўрғон туманларида ва Наманган шаҳрида кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш захиралари мавжуд бўлсада, ишлаб чиқаришнинг бу йўналиши талабга мутлақо жавоб бермайди.

Вилоятнинг айрим туманлари бўйича кичик корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятларидаги экспорт ва импорт нисбатларини нисбий сальдода бўлиши бу туманларда кичик ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга эътибор бермаслик оқибатидир деб ҳисоблаш мумкин.

2.1.5-жадвал

Наманган шаҳар ва туманлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ва импортининг ўсиши фоиз ҳисобида¹⁴

Кўрсаткичлар	Махсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, фоиз ҳисобида	
	Экспортда	импортда

¹⁴ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

	2001 йил	2005 йил	2010 йил	2001 йил	2005 йил	2009 йил
Минг булоқ	100	-	-	-	-	100,0
Косонсой	7,9	100	14,6	10,8	48,8	100,0
Наманган	76,5	98,0	13,4	44,7	43,9	94,6
Норин	-	14,5	30,4	-	-	100,0
Поп	1,2	14,8	-	7,7	1,6	14,0
Тўрақўрғон	84,9	-	4,7	53,5	3,3	26,9
Уйчи	100,0	47,1	14,5	100,0	100,0	100,0
Учқўрғон	-	-	-	36,2	100,0	67,9
Чортоқ	-	100,0	99,9	36,4	88,5	100,0
Чуст	-	100,0	96,2	88,8	100,0	98,2
Янгиқўрғон	100,0	1,0	100,0	100	6,3	87,5
Давлатобод	21,1	-	17,6	44,3	-	31,7
Наманган шаҳри	12,8	15,3	-	7,1	12,7	100,0
Жами	14,3	71,6	73,2	22,0	31,9	64,4

Наманган вилояти ташқи савдо айланмаси 2005 йилда 113265,1 минг АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, унда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо айланмасидаги улушлари 67439,5 минг АҚШ долларини ёки 59,5 фоизини ташкил этган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо айланмасидаги умумий маблағининг 88,6 фоизи кичик корхоналарга ва 11,4 фоизи микро фирмаларга тўғри келган. 2009 йилда бу кўрсаткичлар 185689,6 ва 119368,6 минг АҚШ долларини ташкил этган.

Наманган вилояти туманлари ва шаҳарларида енгил-саноат машинасозлик рангли ва қора металлургия, маҳаллий саноат, электр саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғини ошира бориш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарур.

Чунки бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириш ва унинг самарали олиб боришни таъминлаш вилоят учун зарур бўлган хорижий валюта захираларини шаклланишини таъминлайди. Шунда келиб чиққан ҳолда кичик тадбиркорликни ривожлантиришда уларда ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотларни жаҳон бозори талаблари асосида ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур.

Кичик тадбиркорлик субъектлари кейинги 2004-2010 йиллар ичида бажарган қурилиш ишлари қиймати 48427,5 млн. сўмдан 291624,5 млн. сўмга ёки 2,8 фоизга кўпайган.

Транспорт хизматларида кичик тадбиркорликда таҳлил ўтказилаётган давр ичида юк айланмаси 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 6,1 фоизга, йўловчиларга хизмат кўрсатиш 16,9 фоизга кўпайган. Кичик тадбиркорлик субъектларини чакана савдо айланмаси шу давр ичида 36,3 фоизга кўпайган. Кичик корхоналарнинг чакана айланмасидаги хиссаси умумий чакана савдо айланмасидаги улуши 12,7 фоиздан 13,7 фоизга кўпайган.

Наманган вилояти туманлар ва Наманган шаҳри бўйича кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилган инвестиция маблағлари вилоят бўйича иқтисодий таҳлил қилинаётган давр ичида 3,7 маротабага кўпайган ҳолда айрим туманларда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган инвестиция маблағлари талабга етарли даражада жавоб бермайди. Шундай туманлардан Мингбулоқ, Норин, Поп, ва Наманган шаҳрини кўрсатиш мумкин. Юқорида келтирилган туманлар ва Наманган шаҳри бўйича ўртача инвестициялаштириш кўрсаткичи Наманган вилояти бўйича ўртача инвестиция кўрсаткичини ўсишига нисбатан 71,4 фоизини ташкил этган. Кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун ўтказилаётган иқтисодий таҳлил даврида берилган кредит маблағлари 96 фоизга ўсиб 13292,8 млн. сўмни ташкил этди.

2.1.6 -жадвал

Иқтисодиётни ривожлантиришга киритилган инвестицияларда
кичик тадбиркорликга киритилган инвестициялар улуши¹⁵

Кўрсаткичлар	Кичик тадбиркорлик субъектларининг				Иқтисодиётни ривожлантиришга киритилган инвестицияларда кичик тадбиркорликга киритилган инвестиция улуши фоиз ҳисобида		
	2001 йил	2005 йил	2010 йил	2010 йил 2009 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	2001 йил	2005 йил	2010 йил
Мингбулоқ	11119,7	3337,5	9346,9	87,0	35,3	55,4	60,8
Косонсой	722,9	3306,5	15767,2	123,6	33,1	47,7	72,7
Наманган	892,4	3937,4	22340,7	110,9	72,4	51,1	64,2
Норин	1036,7	4469,0	12469,9	100,1	54,6	48,1	79,6
Поп	1215,9	2576,2	17422,1	47,5	10,8	46,9	69,3
Тўрақўрғон	1024,6	2989,3	22836,2	168,8	74,0	52,6	91,7
Уйчи	603,5	4020,8	16137,3	125,0	42,5	51,4	62,8
Учқўрғон	646,5	3460,0	16607,3	122,0	38,2	74,7	61,3
Чортоқ	770,8	3409,8	12984,4	114,4	39,5	59,1	64,0
Чуст	883,8	4071,4	31845,3	219,5	34,2	20,2	74,4
Янгиқўрғон	664,4	2878,4	16319,1	125,2	41,9	43,3	45,8
Давлатобод	74,6	-	-	-	30,8	-	-
Наманган шаҳри	2001,4	4348,9	119280,1	335,8	11,9	19,0	45,0
Жами	11656,7	42805,1	313356,5	151,2	24,7	39,3	56,6

2.2. Наманган вилоятида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурининг бажарилиши таҳлили

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда. 2012 йил мобайнида кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигади улуши 76,7 фоизга етди. (2.2.1-жадвал)

¹⁵ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда. (2.2.2-жадвал)

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятда жами 236 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан, тижорат банкларнинг 52 та филиал ва бўлимлари, 130 та мини банклар, 12 та ахборот-маслаҳат марказлари, 2 та солиқ маслаҳат хизматлари, 24 та аудиторлик фирмалари, 12 та ўқув марказлари, 5 та баҳолаш фирмалари, Товар ҳом-ашё биржасининг 20 та савдо майдончалари, 2 та микрокредит ташкилоти, 4 та кредит уюшмалари, 3 та бизнес инкубаторлар, 94 та брокерлик идоралари тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Вилоятда 2011 йил давомида 28890 та кичик бизнес субъектлари руйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил якунида 27525 тани ташкил этди.

Кичик бизнес субъектларида банд бўлганларнинг жами иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши 2010 йилда 78,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил да бу кўрсаткич 78,6 фоизни ташкил этди. (2.2.3-жадвал)

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” вилоят дастури 2011 йил 14 февралдаги 47-сонли қарори билан тасдиқланиб, қабул қилинди. Мазкур Дастур 9 та йўналиш ва 47 та банддан иборатдир.

Дастур доирасида барча молиялаштириш манбалар ҳисобидан жами 84,6 млрд.сўм ва 10,1 млн. АҚШ доллар миқдорида маблағлар сарфланиши белгиланган бўлиб, йил охирида бу 47 та банд тўлиқ бажарилли. Ушбу мақсадларга барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 93,2 млрд.сўмлик маблағлар ўзлаштирилди. 2012 йил давомида дастур доирасида сарфланиши режалаштирилган маблағларнинг 110,2 фоизи ўзлаштирилди.

2.2.1-жалвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2010 й. якуни, ҳақиқатда	2011 йил якуни		2010 й. якунига нисбатан %да	2012 йил 1-чорак якунида кутилади	
				прогноз	ҳақиқат да		прогноз	2011 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати, %
1.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони (фермерларсиз)	бирлик	21094	23000	23679	112,3	25100	114,0
	<i>шундан:</i>							
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	19040	20500	20931	109,9	22190	111,2
	Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	2054	2500,0	2748	133,8	2910	141,6
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	1156	1050	1067	92,3	220	102,3
	<i>шу жумладан:</i>							
1.2.	Кичик корхоналари сони	бирлик	2659	3200	3315	124,7	3515	101,7
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	2418	2600	2658	109,9	2800	102,3
	Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	241	600,0	657	272,6	715	103,4
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	193	170	185	95,9	35	101,5
1.3.	Микрофирмалар сони	бирлик	18435	19800	20364	110,5	21585	117,1
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	16622	17900	18273	109,9	19390	116,8
	Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	1813	1900,0	2091	115,3	2195	119,3
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	963	880	882	91,6	185	123,3

1.4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши							
	- ЯХМ даги улуши	%	73,1	76,6	76,7	х	76,8	X
	- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сўм	128,6	400,0	409,5	3,3 м.	110,0	
	жами саноатдаги улуши	%	33,9	37,5	39,0	х	41,1	X
	- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млрд.сўм	771,5	1200	1232,2	159,7	300	
	қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,4	99,6	х	99,6	X
	- Қурилиш ишлари ҳажми	млрд.сўм	165,7	400	410,3	247,6	100	
	қурилишдаги улуши	%	85,5	85,5	86,7	х	87,1	X
	- Чакана савдо ҳажми	млрд.сўм	451,2	800	826,2	183,1	220	
	чакана савдодаги улуши	%	50,4	49,5	50,8	х	53,2	X
	- Жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млрд.сўм	856	980	1006,8	117,6	2,5 м.	
	жами хизмат кўрсатишдаги улуши	%	64,2	63,5	65,0	х	66,5	X
1.5.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши							
	- ЯХМ даги улуши	%	73,1	76,6	76,7	х	76,8	X
	- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сўм	128,6	400,0	409,5	3,3 м.	110,0	
	жами саноатдаги улуши	%	33,9	37,5	39,0	х	41,1	X
	- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млрд.сўм	771,5	1200	1232,2	159,7	300	
	қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,4	99,6	х	99,6	X
	- Қурилиш ишлари ҳажми	млрд.сўм	165,7	400	410,3	247,6	100	

2.2.2-жадвал

Наманган вилояти Ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши, фоиз ҳисобида

№	Шаҳар ва туманлар номи	Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши								
		Ялпи ҳудудий маҳсулот	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Жами хизматлар	Юк ташиш	Йўловчи ташиш
	Вилоят бўйича	78,7	39,0	99,6	87,1	50,8	64,2	65,0	71,4	91,2
1	Наманган ш.		31,2	99	71,4	52,3	72,3	73,1	78	92,4
2	Мингбулоқ		61,8	99,3	83,4	33,7	33,8	56,4	64,6	73,3
3	Косонсой		52,0	99,6	98,7	54,2	47,2	57,3	97,3	99,5
4	Наманган		21,8	99,6	96,2	80,0	43,6	67,5	82	94,6
5	Норин		10,4	99,4	100,0	55,2	39,1	63,3	100	100,0
6	Поп		28,2	99,6	91,8	64,9	40,1	40,2	73,4	95,6
7	Тўрақўрғон		53,2	98,6	84,3	32,4	40,5	54,6	51,6	85,0
8	Уйчи		19,4	99,4	90,3	35,6	38,3	58,8	47,3	67,7
9	Учқўрғон		71,7	99,8	99,2	70,8	43,7	49,3	54	90,1
10	Чортоқ		60,8	99,2	82,2	71,3	40,8	47,1	88,1	98,8
11	Чуст		62,0	99,7	91,9	27,5	43,7	57	45,7	85,3
12	Янгирқўрғон		40,9	99,8	99,0	50,1	43	65,1	90,6	97,7

Наманган вилояти расмий www.namangan.uz веб-сайтида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган саҳифа очилди. Саҳифада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан интерактив мулоқот қилиш ҳамда тадбиркорлар томонидан шикоятларни қабул қилиш саҳифаси ташкил этилди. Фаолиятларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборотлар жойлаштирилди.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъектларини қуллаб-қувватлаш, уларга янада қулай муҳитни ва зарур шарт-шароитни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси маъмурий биносининг мажлислар залида ҳар ҳафтанинг жума кунлари “Тадбиркорлар куни” тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Тадбирларда вилоятдаги назорат қилувчи органлар, бошқарма, ташкилотлар вакиллари ва тадбиркорлик субъектлари катнашмоқдалар. “Тадбиркорлар куни”да тадбиркорлар томонидан кўтариладиган асосий муаммолар бизнесни ташкил этиш учун ер ажратиш, солиқ қонунчилиги, банкдан кредит олиш масалаларида ўз аксини топган.

Жойларда ҳокимликлар ва Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар ва амалдаги қонун ҳужжатлари моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шаҳар ва туман ҳокимликларида жами 282 маротаба “Тадбиркорлик куни” ташкил этилиб, иштирок этган 2134 нафар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ер ажратиш, солиқ қонунчилиги, банкдан кредит олиш масалаларида учраётган муаммолар юзасидан маслаҳатлар берилди ҳамда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган жисмоний шахсларга тушунчалар берилиб 1876 таси тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди.

2.2.3-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусуий тадбиркорлик субъектларининг умумий кўрсаткичлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	Кичик бизнес субъектлари ҳақида маълумот (фермер хўжаликларисиз)										Кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи урни, жой
		Жами кичик бизнес субъектлари, бирлик	шу жумладан,		шундан		Экспорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2010 йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2010 йилга нисбатан % ҳисобида	Ишлаётган ҳодимлар сони	
			Фаолият кўрсатаётгани, бирлик	Фаолият кўрсатмаётгани, бирлик	2012йил да даврида ишга тушурилгани	2012йил да тугатилгани						
	Вилоят бўйича	23679	20931	2748	2519	1067	28759,3	105,3	48743,2	125,4	657,3	22843,0
1	Наманган ш.	6106	4654	1452	809	212	8336,2	135,7	30085,8	144,7	134,7	4381
2	Мингбулоқ	1218	1163	55	98	19			553,7	867,9	41,6	1427
3	Косонсой	1535	1372	163	147	28	554,9	108,1	892,1	122,3	46,6	1720
4	Наманган	1666	1546	120	183	132	9782,4	192,6	6414,2	106,5	48,6	1601
5	Норин	783	734	49	105	77	225,1	36,8	441,2	186,4	38,9	1553
6	Поп	1634	1478	156	213	42			1716,2	819,2	56,2	1235
7	Тўрақўрғон	1662	1495	167	168	62	47,9	82,3	860,8	86,2	46,1	1392
8	Уйчи	1126	1023	103	162	161	1374,0	142,8	2578,7	157,7	51,3	2004
9	Учқўрғон	1417	1302	115	138	60	135,4	100,0	542	51,1	53,4	1281
10	Чортоқ	1798	1671	127	130	217	583,8	55,7	1179,2	93,0	40,4	1403
11	Чуст	2241	2070	171	227	27	3578,9	137,4	305,3	23,0	57,9	2440
12	Янгирқўрғон	2493	2423	70	139	30	4140,8	29,4	3174	70,2	41,7	2406

Барча назорат қилувчи органларда ходимлар иштирокида ҳар ойда икки маротаба, амалдаги қонун ҳужжатлари моҳияти, шунингдек текширишларнинг тартибга солишга қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўқув машғулотини ўтказиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйиладиган камчиликларни олдини олиш мақсадида Назорат қилувчи органлар томонидан ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни»да жами 3245 нафар тадбиркорлар иштирок этиб, улардан тушган 765 та муаммоли масалалар жойида бартараф этилди.

Вилоятда бўш турган, фойдаланилмаётган бино-иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган биноларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича мунтазам равишда ўтказилаётган хатлов натижасида фойдаланилмасдан бўш турган давлат мулки объектлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2011 йил давомида 829 та бўш турган давлат объектлари аниқланган бўлса, шундан 704 та объект белгиланган тартибда ижарага берилиши таъминланган. Ушбу ижарага берилган 704 та объектлардан 439 таси ёки 62,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага берилган. Натижада 2433 та янги иш ўринлари яратилишига қўмаклашилди.

Вилоятдаги 141 та бўш турган бинолар бўйича тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларига жойлаштириб борилган. Ушбу бўш бинолар асосан Наманган шаҳри, ПОП, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чуст ва Чортоқ туманларда жойлашган. Бўш биноларни тадбиркорларга бериш масаласида Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси ва туман ҳокимиятлари томонидан етарли ишлар олиб борилмаётганлигидан далолат беради.

2012 йил давомида вилоят тадбиркорларнинг маҳсулотларини савдосини ошириб харидорларини кўпайтириш мақсадида вилоятнинг Мингбулоқ туманида 457-сонли, Тўрақўрғон туманида 472-сонли, Чуст туманида 455-сонли, Чортоқ туманида 456-сонли, Норин туманида 458-сонли Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг янги савдо майдончалари ташкил этилди.

Ушбу янги ташкил этилган савдо майдончаларига регистратор ва брокерлик идоралари бириктирилди. Савдо майдончаларига компьютер, модем ва тегишли оргтехника қурилмалари, хона жихозлари сотиб олиш, Марказий банк линияси орқали Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг ягона электрон биржа савдо тизимига улаш ишлари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари доирасида вилоятдаги кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлар натижасида корхоналар ихтиёрида қуйидагича маблағлар иқтисод қилиб олинган:

- «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарорига асосан солиқ ставкаларини пасайиши ҳисобига 2,9 млрд.сўм;

- “2010 йилда саноат корпорацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1306-сонли қарорида берилган имтиёзлар ҳисобига 0,8 млрд.сўм;

- “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорида берилган имтиёзлар ҳисобига 634,3 млн.сўм;

- “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-1047-сонли қарорида берилган имтиёзлар ҳисобига 21,9 млн.сўм миқдорида маблағлар корхоналар ихтиёрида қоллирилди.

“АгроМинитехЭкспо-2011” кўргазма-савдоси доирасида тузилган шартномалар бўйича тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун 1579,9 млн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Вилоятда 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 168,5 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Кредит маблағларининг 117,9 млрд.сўми ёки 70,0 фоизи узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, турли жозибадор молиявий дастагларни (ускуналар, хом-ашё ва материалларни сотиб олиш учун савдони молиялаштириш, экспорт операциялари бўйича факторинг хизматлари кўрсатиш ва бошқалар) кенг қўллаган ҳолда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 55,9 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Микрокредитбанк ва Қишлоққурилишбанк вилоят филиаллари томонидан хизмат кўрсатиш соҳасида (сартарошхона, тикувчилик цехи, устахона) лойиҳавий ҳужжатлар тўплами асосида 2278 млн.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2011 йилда 71778 та янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, йил давомида кичик бизнес ва тадбиркорлик йўналишида жами 32310 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – 17152 та, кичик саноат корхоналарида – 2941 та, қурилишда, уй-жойларни таъмирлаш – 2750 та, яқка тартибдаги тадбиркорликда – 9467 та иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоят бўйича 2011 йилнинг декабр ҳолатига уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 26666 та, шундан касаначилик ҳисобига 7178 та, хунармандчилик ва оилавий бизнесда 6982 та, пудрат шартномаси асосида 12497 та иш ўринлари яратилди.

2011 йил давомида вилоятда 22 та пойабзал таъмирлаш, 28 та кийим тикиш, 14 та маиший техника таъмирлаш, 10 та суратхона, 146 та чакана савдо, 27 та умумий овқатланиш корхоналари ташкил этилди ва 101 та бошқа турдаги шахобчалар фойдаланишга топширилди.

2011 йил якуни билан вилоятда 15 та лойиха учун 9,64 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 мартага ортган.

Жумладан, “Гудвилл КБНП” ҚК – 200 минг долл., “Трайдвел Интернейшнл” МЧЖ ХК 2 та лойҳаси – 161,0 минг долл. “Мэрри Мэд Фарм” ҚК – 555 минг долл., “Норинтекс” ҚК – 129,5 минг долл., “Муборак Пюр Силк” ҚК – 310 минг долл., “Тўрақўрғон Ширинлик Агро” ҚК – 4,9 млн. долл., “Тошбулоқтекс ҚК – 671 минг долл., “МРТ текстиль” ХК – 183 минг долл., “НамСиб Агробизнес” ҚК – 37,2 минг долл., “Учқўрғон бизнес полиграф” ҚК – 40,5 минг долл., “Учарчак” ХК – 200 минг долл. “Нафис чарм” МЧЖ – 307,2 минг долл., “Пап Фен” ХК – 57,2 минг долл., “Нестле Ўзбекистан” ҚК – 1,9 млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилган.

2.2.4-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сонида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг салмоғи

	Саноат		Кишлоқ хўжалиги		Қурилиш		Савдо		Транспорт ва алоқа	
	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр
Мингбулоқ	98,7	98,8	99,0	99,1	95,0	94,4	99,5	99,0	63,6	72,7
Косонсой	99,3	99,3	98,2	98,2	100,0	99,0	98,3	98,2	96,0	95,8
Наманган	98,0	97,4	98,1	97,3	95,1	96,9	99,2	98,8	88,2	97,4
Норин	98,1	98,6	96,7	96,1	100,0	100,0	97,9	97,5	95,5	96,0
Поп	93,7	94,9	98,5	98,5	95,5	98,0	98,8	99,0	94,4	91,7
Тўрақўрғон	97,1	98,4	98,6	98,5	97,4	97,6	98,2	97,7	86,4	94,4
Уйчи	98,9	98,4	97,2	97,0	96,2	97,6	98,4	98,2	88,9	95,5
Учқўрғон	96,8	97,2	97,8	97,4	96,8	100,0	98,7	98,3	81,5	75,0
Чортоқ	100,0	100,0	98,3	98,6	94,8	94,2	97,6	96,5	97,1	96,3
Чуст	97,0	98,3	98,8	98,8	94,6	96,6	97,6	98,1	85,0	78,9
Янгиқўрғон	96,9	99,0	99,1	99,2	97,6	97,5	97,7	98,3	80,0	92,1

Наманган ш.	98,2	98,4	92,6	93,2	96,9	96,6	99,2	99,3	87,7	89,8
Жами	98,0	98,3	98,3	98,3	96,8	97,0	98,7	98,7	88,5	91,3

Шу билан бирга, вилоятда БМТнинг “Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш” дастури доирасида 5 та лойиха амалга оширилди. Жумладан, Поп туманида сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотларини, ун ва комбикорм ишлаб чиқариш, гуручни қайта ишлаш лойихалари, Учқўрғон туманида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойихаси, Уйчи туманида ёнғоқ ва мева маҳсулотларини қуритиш лойихаси, Тўрақўрғон туманида тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Ушбу корхоналарда 61 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Наманган вилоятида 2011 йилнинг январ-декабр ойларида жами 123 та ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, шундан: енгил саноатда 47 та, қурилиш материаллари саноати 17 та, чарм-пойабзал саноати 3 та, озиқ-овқат саноати 37 та, тиббиёт техникаси ва дори-дармон саноати 2 та, бошқа тармоқларда 19 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди.

2011 йил якуни билан вилоятда 4 та хом сутни қабул қилиш шахобчаси, 6 та мева сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган, 8 та сутни қайта ишлашга ихтисослашган ва 6 та гўшти қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ташкил этилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятдаги 15 та кичик бизнес корхоналари томонидан 26 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2012 йил давомида ушбу лойиҳалар ҳисобига 29,9 млрд сўмлик, шундан ҳудудий корхоналар томонидан 29,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2.2.5-жадвал

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича 2011 йил январ-декабр ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг экспорт ҳажмлари, минг. АҚШ доллари

	Жами	кичик тадбиркорлик	шундан		Ўсиш суръатлари, %			Умумий ҳажмдаги улуши, %		
			кичик корхоналар	микрофирмалар	кичик тадбиркорлик (бизнес)	кичик корхоналар	микрофирмалар	кичик тадбиркорлик (бизнес)	кичик корхоналар	микрофирмалар
Мингбулок	0,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Косонсой	1778,3	554,8	422	132,8	70,4	57,3	256,4	31,2	23,7	7,5
Наманган	16040,2	9926,1	3177,2	6748,9	408,6	204,9	768,4	61,9	19,8	42,1
Норин	662,9	225,0	100,8	124,2	19,8	8,9	0,0	33,9	15,2	18,7
П о п	8077,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тэраққури	188,3	47,9	47,9	0,0	32,3	32,3	0,0	25,4	25,4	0,0
Уйчи	2181,0	1522,7	817,7	705	232,2	474,6	145,8	69,8	37,5	32,3
Учқури	270,0	135,4	129,8	5,6	0,0	0,0	0,0	50,1	48,1	2,1
Чортоқ	585,8	584,5	583,7	0,8	55,8	55,7	0,0	99,8	99,6	0,1
Чуст	8279,8	3890,2	3855,1	35,1	1,8	97,7	0,0	47,0	46,6	0,4
Янгиқури	4121,3	4120,5	4116,1	4,4	29,3	29,2	89,8	100,0	99,9	0,1
Наманган шаҳри	38899,2	10182,9	6541,4	3641,5	170,0	128,3	408,5	26,2	16,8	9,4
Вилоят бўйича	82757,3	31190,0	19791,7	11398,3	12,9	70,9	5,4	37,7	23,9	13,8

2.2.6-жадвал

Вилоят шаҳар ва туманлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ва импорт амаллари

	Махсулот (ишлар, хизматлар) умумий экспорт ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши, %*)		Махсулот (ишлар, хизматлар) умумий импорт ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши, %	
	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр
Мингбулок	0,0	0,0	100,0	100,0
Косонсой	10,1	31,2	100,0	100,0
Наманган	22,2	61,9	95,3	97,1
Норин	23,7	33,9	100,0	100,0
Поп	0,0	0,0	14,0	44,8
Тўрақўрғон	3,7	25,4	28,2	93,6
Уйчи	8,5	69,8	100,0	100,0
Учкўрғон	0,0	50,1	71,9	56,4
Чортоқ	99,9	99,8	100,0	100,0
Чуст	95,9	47,0	99,3	93,6
Янгиқўрғон	100,0	100,0	99,7	99,8
Наманган ш.	17,8	26,2	32,2	40,6
Жами	71,8	37,7	61,3	50,7

Кичик бизнес субъектлари иштирокида 27 та ноозиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди ҳамда шунинг ҳисобига 852 та янги иш ўринлари яратилди. Асаларичилик хўжалигини ташкил этиш бўйича 126 та, балиқчилик хўжалигини ташкил этиш бўйича 42 та, паррандачилик бўйича 23 та лойиҳалар фойдаланишга топширилди.

2011 йил мобайнида вилоятдаги кичик бизнес субъектлари томонидан 28,8 млн.долларлик товар ва хизматлар экспортга чиқарилиб, 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоиз ўсиш суръатлари таъминланди.

2.3. Наманган вилоятида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шароитида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш бу субъектларда банд бўлган ишчи кучларининг ижтимоий ва иқтисодий шароитларини яхшиланиб боришини таъминлайди. Наманган вилоятида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар мавжуд. Шу билан бирга вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ўзига хос ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ. Бу ривожланиш хусусиятлари қуйидагилар билан ажралиб туради:

-Наманган вилояти туманлари ўзининг табиий ишлаб чиқариш моддий ва меҳнат ресурслари билан, аҳолининг демографик ўсиши ва жойлашуви, уларнинг интеллектуал даражалари билан бир-биридан фарқ қилиши;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги билан маҳаллий бошқарув ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ички ва ташқи муҳитларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб бориш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини самарали ривожланишини таъминлаш учун давлат томонидан уларни ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш мақсадида давлат акциядорлик жамиятларини тузиш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятларини биринчи галда минтақалар ички бозори талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини иқтисодий ривожланишида лизинг, инжиринг маслахат хизматларидан фойдаланишдан иборат.

Кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини вилоят иқтисодий минтакаларида ривожлантириш аҳолининг бандлигини ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ўсиб боришини таъминлайди.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги бозор истеъмол талабини зарур бўлган товарлар ва хизматлар билан тўйинтирадиган, иқтисодиётни таркибини талаб асосида такомиллаштириб борадиган асосий бўғин ҳисобланади. Иқтисодиётнинг бу бўлигини ишга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини ўсиб боришида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Эркинлашган бозор рақобати асосида ривожланаётган иқтисодиётда минтақавий бозорларда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш ишлаб чиқаришга камроқ инвестиция сарф қилиш орқали ишлаб чиқариш структурасини, маҳсулот турларини истеъмол талабига монан шакллантиришни таъминлайди.

Вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини самарали ривожлантириш учун қуйидаги мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш зарур:

- кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳар бир иқтисодий минтақа хусусиятларидан келиб чиққан ва аҳоли истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда оптимал равишда тармоқлар бўйича жойлаштириш;

- кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари билан таъминлашга давлат ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари орқали ёрдам бериш;

- маҳаллий хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш яъни уларни жаҳон истеъмол талабларига монанд ҳолатда тайёр истеъмол маҳсулотлари ҳолатига келтириш орқали уни нафақат ички бозорларни тўйинтириш, балки экспортга чиқаришни таъминлаш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун зарур бўлган малакали мутахассислар ва кўп йўналишларга эга бўлган каспий ишлаб чиқариш ходимлари билан таъминлаш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги фаолиятида банд бўлган ишлаб чиқариш кучларини давлат ва кичик бизнес субъектлари томонидан ижтимоий ҳимояланишини назорат қилишни ташкил этиш ва кучайтириш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланиш салоҳиятларини аниқлаш мақсадида уларнинг сонларини ўсишини, ишлаб чиқариш жараёнида бандлик даражаларини ривожланишини, ялпи ички маҳсулот миқдорини, экспорт ва импортни ўсишини ва уларнинг маҳаллий бюджетга тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушум, минтакаларга берилган дотация ва нақд пул эмиссиясини истиқболлаштириб беришни лозим деб топдик. Вилоят кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини истиқболли ривожланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун биз истиқболлаштиришни баланс услубидан фойдаландик. Бу усул орқали истиқболда вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги субъектлари сонини ўсишини, ишчи кучларининг унда бандлигини, ялпи ҳужўжий маҳсулотни кичик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилиши, уларнинг экспорт ва импорт салоҳиятлари ва маҳаллий бюджетга тадбиркорлик фаолиятларидан тушган тушумлар, берилган дотациялар ва нақд пуллар эмиссиясини ҳисоблаб чиқишга муяссар бўлдик.

Кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланишини истиқболлаштиришнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожланишини истиқболлаштириш, ишлаб чиқариш кучларига бўлган талабни аниқлашни;

-вилоят бўйича турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятларини ривожланишини ва вилоят аҳолиси истеъмолини қондиришни;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги томонидан ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқаришни, ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт даражаларини аниқлашни;

-кичик тадбиркорлик субъеклари томонидан маҳаллий бюджетга тушадиган тушум, вилоят минтақаларига бериладиган дотациялар ва нақд пул эмиссиясини аниқлашни таъминлайди.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш захиралари ва уларни истиқболлаштириш жараёнини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик.

Тадбиркорлик фаолиятини самарадорлиги ишлаб чиқариш йўналишини тўғри танланишига, энг самарадор ва тежамкор ишлаб чиқаришни аниқлашга, истеъмолчилар учун тайёрланган товарларга баҳоларни тўғри белгиланишига боғлиқ бўлади. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир иқтисодий сиёсат қуйидагиларга асосланиши керак:

-тадбиркорлик фаолияти юқори даражадаги илмий-технологик жараёнга асосланиши;

- тадбиркорлик фаолиятида капиталларининг эркин ҳаракатланиш тизимига (бунга, аввало, фонд бозори орқали) эришилади;

-эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти доимий равишда хавф-хатар остида олиб борилади. Шунинг учун тадбиркор хавф-хатарни олдини олиш учун унинг асосий келиб чиқиш сабабларини илмий ва иқтисодий таҳлиллар асосида ўрганиб бориши зарур;

-тадбиркорлик фаолияти хавф-хатарини олдини олишда давлатнинг ўрни катта. Шунинг учун давлат тадбиркорликни ривожлантиришда уларнинг инновация фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама

рағбатлантириши, ижтимоий ва шахсий ҳимоя қилинишини таъминлаши, солиқ тизимини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантирадиган даражада шакллантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш, имтиёзли кредитларни жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини хавф-хатарсизлигини, кредит берувчи банкларни маблағларини хавф-хатарсизлигини таъминлаш учун давлат томонидан махсус кафолат фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

-ишлаб чиқариш ресурслари ва уларнинг нархларини белгилаш давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият вакиллари назорати остида шакллантириш;

-иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимиятнинг идораларининг асосий вазифаси, иқтисодий ҳудудларда янги иш жойларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат бўлиши керак;

-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни хавф-хатарлардан холи этиш учун мол-мулкларини ижтимоий суғурталашни микроиқтисодий даражада таъминлаш мақсадида ихтиёрий суғурта қилишни амалга ошириш керак;

-кичик тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойи билан таъминлаш, ички бозорни зарур товарлар билан тўлдириш, четга экспорт қилиш даражасини ошириш, ўрта мулкдорлар синфини тўлиқ шаклланишини таъминлаш зарур;

- кичик тадбиркорлик бизнеси бўйича зарур бўлган иқтисодий маълумотларга эга бўлиш учун, улар ҳақида тўлиқ маълумотларни статистика бошқармалари томонидан тўлиқ ёритилиб берилиши зарур. Бу вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларини иқтисодий аҳволини қандай

ҳолатда эканлигини аниқлашга ва тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

- кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш минтақалар ички бозори талабларига асосланган ҳолда бўлиши, уларни зарур ишлаб чиқариш воситалари, хом ашёлар билан таъминлаш учун, бу вазифаларни бажарадиган давлат акциядорлик жамиятларини тузиш зарур;


- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг аграр индустриал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда биринчи ўринда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ва уларнинг экспорт салоҳиятларини оширишга қаратиш зарур;

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш


Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллионАҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллионАҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар миқдори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 8,6 фоизга кўпдир (3.1.2-расм). Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.



3.1.2 -расм.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши

Мамлакатмизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнишишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги

қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПК – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

- устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармониға мувофиқ тадбиркорларға қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

-тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалға оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалға ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

ривожни билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир”¹⁶ деб таъкидлайдилар юртбошимиз.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Ҳудудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

¹⁶ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

3.2.1-жадвал

Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)*

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Қорақалпоғистон Республикаси	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
вилоятлар					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Бухоро	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Навои	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Хоразм	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Тошкент ш.	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

*Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.

Республикаимизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истиқболда кўйидаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур (3.2.1-жадвал).

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истикболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди(3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Истикболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллион сўм ҳисобида)

Ҳудудлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши фоиз
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	137,0
Қорақалпоғистон Республикаси	18786,6	22919,6	24982,3	27045	143,9
вилоятлар					
Андижон	70178,8	74249,1	82564,9	90880,7	129,5
Бухоро	46619,4	51934,0	55413,5	58893,1	126,3
Жиззах	31281,6	39821,3	43245,9	46670,5	149,2
Қашқадарё	61485,8	69233,0	74356,2	79479,4	129,3
Наманган	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	174,6
Самарқанд	67851,2	74772,0	85090,5	95409,0	140,6
Сурхондарё	82241,4	87833,5	104434,0	121034,5	147,2
Сирдарё	34155,4	40952,3	46562,7	52173,1	152,8
Тошкент	110782,4	112665,7	123143,6	133621,5	120,6
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	158,5
Хоразм	36708,7	44050,4	54666,5	65282,6	177,8
Тошкент ш.	219770,8	247901,4	287813,5	327426,6	148,9
Навоий	24940,4	25065,1	29100,5	33135,9	132,9

**Ўзбекистон статистикаси ахборотномаси асосида ҳисобланди.*

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истикболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат кўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади.

Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истикболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган изланишларимиз натижалари иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида миллий иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муносабатларини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий умумлаштиришлари бизга қуйидаги хулосаларга келиш ва таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлди.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги бозор истеъмол талабини зарур бўлган товарлар ва хизматлар билан тўйинтирадиган, иқтисодиётни таркибини талаб асосида такомиллаштириб борадиган асосий бўғин ҳисобланади. Иқтисодиётнинг бу бўлигини ишга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини ўсиб боришида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Рақобат асосида ривожланаётган иқтисодиётда минтақавий бозорларда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш ишлаб чиқаришга камроқ инвестиция сарф қилиш орқали ишлаб чиқариш структурасини, маҳсулот турларини истеъмол талабига монан шакллантиришни таъминлайди.

Вилоятда кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини самарали ривожлантириш учун қуйидаги мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш зарур:

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳар бир иқтисодий минтақа хусусиятларидан келиб чиққан ва аҳоли истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда оптимал равишда тармоқлар бўйича жойлаштириш;

-кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари билан таъминлашга давлат ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари орқали ёрдам бериш;

-маҳаллий хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш яъни уларни халқаро андозалар талабларига монанд ҳолда тайёрлаш орқали уни нафақат ички бозорларни тўйинтириш, балки экспортга чиқаришни таъминлаш;

-кичик бизнес ва хусусия тадбиркорлик субъектларида банд бўлган ишлаб чиқариш кучларини давлат ва кичик бизнес субъектлари томонидан ижтимоий ҳимояланишини назорат қилишни ташкил этиш ва кучайтириш зарур.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш захиралари ва уларни истиқболлаштириш жараёнини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик.

Тадбиркорлик фаолиятини самарадорлиги ишлаб чиқариш йўналишини тўғри танланишига, энг самарадор ва тежамкор ишлаб чиқаришни аниқлашга, истеъмолчилар учун тайёрланган товарларга баҳоларни тўғри белгиланишига боғлиқ бўлади. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир иқтисодий сиёсат қуйидагиларга асосланиши керак:

-тадбиркорлик фаолияти юқори даражадаги илмий-технологик жараёнга асосланиши;

- тадбиркорлик фаолиятида капиталларининг эркин ҳаракатланиш тизимига (бунга, аввало, фонд бозори орқали) эришилади;

-эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти доимий равишда хавф-хатар остида олиб борилади. Шунинг учун тадбиркор хавф-хатарни олдини олиш учун, унинг асосий келиб чиқиш сабабларини илмий ва иқтисодий таҳлиллар асосида ўрганиб бориши зарур;

-тадбиркорлик фаолияти хавф-хатарини олдини олишда давлатнинг ўрни катта. Шунинг учун давлат тадбиркорликни ривожлантиришда уларнинг инновация фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириши, ижтимоий ва шахсий ҳимоя қилинишини таъминлаши,

солиқ тизимини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантирадиган даражада шакллантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш, имтиёзли кредитларни жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини хавф-хатарсизлигини, кредит берувчи банкларни маблағларини хавф-хатарсизлигини таъминлаш учун давлат томонидан махсус кафолат фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

-ишлаб чиқариш ресурслари ва уларнинг нархларини белгилашни давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият вакиллари назорати остида шакллантириш;

-иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимиятнинг идораларининг асосий вазифаси, иқтисодий ҳудудларда янги иш жойларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат бўлиши керак;

-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни хавф-хатарлардан холи этиш учун мол-мулкларини ижтимоий суғурталашни микроиқтисодий даражада таъминлаш мақсадида ихтиёрий суғурта қилишни амалга ошириш керак;

-кичик тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойи билан таъминлаш, ички бозорни зарур товарлар билан тўлдириш, четга экспорт қилиш даражасини ошириш, ўрта мулкдорлар синфини тўлиқ шаклланишини таъминлаш зарур;

- кичик тадбиркорлик бизнеси бўйича зарур бўлган иқтисодий маълумотларга эга бўлиш учун, улар ҳақида тўлиқ маълумотларни статистика бошқармалари томонидан тўлиқ ёритилиб берилиши зарур. Бу вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларини иқтисодий аҳволини қандай ҳолатда эканлигини аниқлашга ва тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

- кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш минтақалар ички бозори талабларига асосланган ҳолда бўлиши, уларни зарур ишлаб чиқариш воситалари, хом ашёлар билан таъминлаш учун, бу вазифаларни бажарадиган давлат акциядорлик жамиятларини тузиш зарур;

- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг аграр индустриал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда биринчи ўринда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ва уларнинг экспорт салоҳиятларини оширишга қаратиш зарур;

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнида ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ишлаб чиқариш муносабатларининг барча жиҳатлари билан мустаҳкам боғлиқликда бўлган ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик муносабатларини талаб ва таклиф асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга;

-ўтказилаётган иқтисодий сиёсат тадбиркорлик тузилмаларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини фаоллаштиришга, хорижий инвестицияларни жалб этишга, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш йўли билан рақобат муҳитини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга қаратилиши зарур;

-кичик тадбиркорлик субъектларини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш, тадбиркорлик тузилмаларини такомиллаштириш ва уларнинг бозордаги иштироки механизми самарадорлигини оширишга қаратилган давлат сиёсатида ҳудудларда қатъий амал қилиш;

-маҳаллий ва хорижий тадбиркорларнинг четга маҳсулот чиқариш ҳамда уларни ўзаро айирбошлаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни, кичик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ва етиштирилган

махсулотлар билан олди-сотдини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

-жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

-ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

-ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

-маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

-ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб

чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

-худудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

-худудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон”, 2009.-11 б.
2. Тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1991 йил. 15 февраль.
3. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил. 21 декабрь.
4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1999 йил. 14 апрель.
5. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил. 25 май.
6. Хусусий корхона тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил. 11 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. - 2004. №3, –б.3-8.
7. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21 январь, 1994.
8. Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1995 йил. 5 январь.
9. Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил. 8 августь.
10. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил. 9 апрель.

11. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил, 25 май.

12. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил. 24 январь.

13. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2003 йил. 30 август.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - 2005. №23-24 (159-160). –б.7-9.

15. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил. 24 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. №25-26 (161-162). –б.6-7.

16. Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. -2005 йил. -6 октябрь. №199 (3744).

17. Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил. 14 февраль.

18. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил. 28 августъ.

19. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли Қарори. 2000 йил. 17 февраль.

20. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил. 20 августъ.

21. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 439-сонли Қарори. 2003 йил. 11 октябрь.

22. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2005 йил. 15 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. №23-24 (159-160). –б.10-12.

23. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

24. Каримов И.А.Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.

26. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг

2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

27. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморактик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2010.

28. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.

29. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

30. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

31. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

32. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

33. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

II. Китоблар ва рисоалар

34. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012.-272б.

35. Анискин Ю.П. Организация и управление малым бизнесом: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2008.
36. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Қойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 274бет.
37. Горфинкель В.Я., Швандар В.А. ва бошқ. Курс предпринимательства. Учебник. -М.: Финанск. ЮНИТИ, 1997. -439 с.
38. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002.
39. Илюхин В.Я. Экономическая теория. М., “Юрист”, 2000 год.
40. Ишмухаммедов А.Э., Асқарова М.Т. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. –Т.: ТДИУ, 2004. – 256 б.
41. Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. -Т.: Узбекистан, 1991. -190 с.
42. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. -М.: Инфра-М. 1997. -319 с.
43. Мирзиёев Ш.М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. -Т.: Университет, 1994. -53 б.
44. Отахонов Ф.Х., Эрназаров У.Т. Хусусий тадбиркорлик. -Т.: Адолат, 1995. -52 б.
45. Райзберг Б.А. Основы бизнеса. М., 1996 год, 7,126,129-стр.
46. Основы предпринимательской деятельности. Финансы и статистика. М., 1995 год, 5-стр.
47. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М 1993. с 26.
48. Эргашев Т. Бозор иқтисодиёти. Дарслик.-Т.:Ўқитувчи, 2002.-208 б.
49. Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. –Т.: Шарқ, 2001. -176 б.
50. Ходиев Б.Ю, Косимова М.С., Самадов А.Н Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. –Т.: ТДИУ, 2010.

51. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Молия-иқтисод, 2008.

52. Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.

53. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2003.

III. Диссертация ва авторефератлар

54. Арипов О.А. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари.: Иқтисод фанлари номзоди ... дис. Т.: 2006.- 154 б.

55. Кархалов М.Ф. Кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш йўллари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т.: 2004. –22 б.

56. Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. – Т.: 2004. –140 б.

57. Ходачек А.М. Государственное регулирование малого предпринимательства в условиях крупного города: Автореф. дис. канд. экон. наук. – СПб. 1995. –16 с.

IV. Рўзнома ва журналдаги мақолалар

58. Данишевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании. // Ж. МЭиМО. - 1992. -№3.

59. Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари. // Ж. Солиқ тўловчининг журнали. -1996. -№5-6.

60. Йўлдашев А. Кичик ва хусусий бизнес истикболи. // Ҳамкор. - 2003. -23 окт. -№20 (105).

61. Том Хокин. Малый бизнес в Канаде. // Ж. Деньги и кредит. -1992.

62. Ходиев Б.Ю. Хусусий тадбиркорлик ва давлат. // Ж. Фан ва турмуш. -1999. -№4. –Б.12.

63. Қодиров А., Кархалов М. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари. // Ж. Жамият ва бошқарув. 2001. -№3. –Б.58-59.

64. Ғофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. // Ж. Иқтисод ва Ҳисобот. -1997. -№11-12. –Б.16-18.

65. Абдуллаев Б. Тадбиркор ҳуқуқи химояланган. // Ж. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ахборотномаи. – 2007. -№9-10. –Б 20.

66. Исмоилов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – минтақа иқтисодий тараққиёр пойдевори. // Ж. Бозор пул ва кредит. -2008. -№1. –Б 60.

V. Интернет сайтлари

67. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.

68. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси қтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

69. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.

70. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.

71. www.management.ru.- официальной сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».

72. www.iscti.ru.

73. www.bank referatov.ru.

Ҳ. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар

72. Усмонов Ф. “Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари” // “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Наманган: 2011йил, 19-б.

73. Усмонов Ф. “Муҳим омил”. // Наманган ҳақиқати. 2012 йил. №45.

Наманган Мухандислик-
педагогика институти ректори
проф. П.Ж. Маткаримовга

Ҳурматли Пахриддин Жўраевич !

Ушбу орқали Сиз раҳбарлик қилаётган институтнинг “Менежмент” мутахассислиги бўйича магистратура босқичи битирувчиси Усмонов Пазлитдин Шамиловични “Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари” мавзусида бажарган магистрлик диссертациясининг “Наманган вилоятида кичик ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” бўйича ишлаб чиққан таклиф ва тавсияларини Учқўрғон тумани ҳокимлиги мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб, уни туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида қўллаш учун қабул қилиб олганлигимизни маълум қиламиз.

Сизга ва Сиз раҳбарлик қилаётган жамоага бундай малакали мутахассислар тайёрлаётганликлари учун ўзимизни самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Сизга чексиз ҳурмат билан,

Учқўрғон тумани ҳокимининг
ижтимоий-иқтисодий масалалар
бўйича муовини

Б. Тўламирзаев